
ТАДБИРКОРЛАР УЧУН “САЙЁР ҚАБУЛ” ЎТКАЗИЛДИ

Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари таъминланишининг муҳим омилларидан бири. Бугунги кунда ҳар битта сектор раҳбари фуқароларни мурожаатини тинглаб, уни ўрганиб, бартараф этишга ҳаракат қилмоқда. Бугун Риштон тумани “Халқаро кулолчилик маркази” да Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларни муаммоли масалаларини бартараф қилиш ҳамда таклиф – истакларини қабул қилиш мақсадида тумандаги Бош вазир қабулхонаси ташаббуси билан туман ҳокими, туман прокурори, Ички ишлар бўлими бошлиғи, Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, Адлия бўлими бошлиғи ҳамда ҳудуддаги барча тижорат Банклари ва корхона ташкилот раҳбарлари иштирокидаги “Оммавий сайёр қабул” ташкил этилди. Сайёр қабул жараёнида тадбиркорлар томонидан имтиёзли кредит олиш ва бир қатор масалалар юзасидан 9 та мурожаат келиб тушди. Қабул давомида сектор раҳбарлари билан учрашган тадбиркорлар ўзларининг янги лойиҳалари билан ҳам ўртоқлашишди.

2021-07-28 17:05:39